ТЕЛЕФОНДА ХОРИЖ ҲАМ ЯҚИН

Олмалиқ шаҳар электр алоқа тармоғида 10 минг сўзлашувчига мўлжалланган уяли-рақамли алоқа станцияси иш бошлаган эди. Тошкент вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси Жанубий Кореянинг "ДЭУ-телеком" компанияси билан ҳамкорликда бунёд этган Янгийўлдаги 12 минг, Паркент туманидаги 3 минг нуқтали шу туркумга оид станциялар хизматидан мижозлар мамнун. Муҳими, телефон кўмагида дунёнинг исталган бурчаги билан алоқа боғлаш имконияти юзага келган.

Соҳибжон САЛИМОВ.

АНГЛИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Кеча Британия кенгаши қароргоҳида ўтказилган матбуот анжуманида шу йилнинг октябрида республикамизда Британия маданияти кунлари ўтказилиши эълон қилинди. Шунга биноан Англиядаги жаҳонга машҳур "Маркс ва Спенсер" (либослар маскани) йирик магазини менеджерлари Шейла Браун ва Филиппа Воткинс гапирдилар. Маданият кунлари доирасида бўладиган "Ипак базми"да ўзбек дизайнлари тайёрлаган миллий либослар намойиш этилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Шаҳрихон шаҳри марказида ишга туширилган янги шоҳбекат хизматидан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

САВОБЛИ ТАШРИФ

Индонезия Республикаси хотин-қизлар клубининг 23 йиллиги муносабати билан шу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси Сукадари Хонгтовонгсо жаноблари ва рафиқаси Сри Сукадари хоним бошчилигида индонез аёллари гуруҳи Чилонзордаги 23-болалар уйига ташриф буюрди. Меҳмонлар бу ерда тарбиялана-ётган болалар билан дилдан суҳбат қуришди. Маросимда элчихонанинг бу маскан болаларига қимматли совғалари топширилди.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

БАХМАЛ ГУГУРТИ

Бахмал туманининг Абдувоҳид Усанов номли ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудида барпо этилаётган гугурт ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда шу йилнинг охирида гугурт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Маҳсулотнинг асосий хом ашёси сифатида бирлашманинг марҳум раҳбари А.Усанов экиб қолдирган 400 гектарлик теракзордан фойдаланилади.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 2 август, шанба № 90 (22.174).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1994 йил 3 август — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Франция ва Даниядан дўстлик ва эҳтиром мактублари келди. Франция Республикаси Президенти Ўзбекистон — Франция муносабатларига юксак баҳо берди.

Дания қироличаси Маргарете II эса 5 июнда нишонланган Дания миллий байрами — Конституция куни билан самимий қутлагани учун Ислом Каримовга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИГА

Азиз ёш дўстларим!

Сизларни, иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қавватлаш «Умид» жамғармаси грантларини қўлга киритганликларингиз ва жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш бахтига муяссар бўлганликларингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Азалдан халқимиз орасидан доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Имом Бухорий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда.

Сизлар дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиб, жаҳон андозалари даражасида билим олиб, энг замонавий касб-ҳунар ўрганиб, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишида муносиб ҳисса қўшасизлар, деган умиддамиз. Бунинг учун ҳаёт синовларига бардош бериш, жамиятда ўзингизга муносиб ўрин топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш талаб этилади.

Барчангиз она-Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун курашадиган, ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан она юртни улдуғлашга қодир, истеъдодли ва садоқатли йигит-қизларсиз.

Истиқлол ва истиқбол йўлида сафарбар этиш учун қўйган дастлабки қадамларингиз зафарли, ҳаётингиз сермазмун бўлсин. Ўқиш ва изланиш машаққатларига сабр-бардош тилайман. Борган жойингизда буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигингизни намоён этишингизга ишончим комил.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ОРОЛБЎЙИДАГИ УМИД ҚЎРҒОНИ

Агар мустақил Ватанимизни кезар бўлсангиз, унинг нақадар беповнлигини, гўзаллигини ҳис этасиз. Ватаннинг ҳар бир пахтазорию, буғдойзори, боғ-роғларию беповн чўллари кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ана шундай кезларда унинг қанчалик бой-бадавлат ва гўзал эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Буларнинг барчаси Узбекистонимизнинг келажаги буюк эканлигига ишончингизни янада оширади.

Оролбўйидаги, яъни Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани ҳудудидаги ибратли ишлардан ҳам билса бўлади.

Шу тумандаги «Бодай тўқай» деб номланган давлат қўриқхонасини ҳақиқий маънода умид қўрғони, дейиш мумкин. Зеро, тобора саёзлашиб бораётган Орол денгизи қирғоқларида бундай жаннат жойнинг бўлиши қувончлидир. Қўриқхона ҳудудининг асосий қисми, яъни 6462 гектари ўрмонзорлардан иборат.

Қўриқхонада ҳеч қаерда учрамайдиган ўсимлик дунёси мавжуд. Тўқайзорлар, ёввойи олмалар, оличалар, қорақанд, наъматаклар киши кўзини яшнатади. Кўплаб доривор ўсимликлар ҳам бор.

Қўриқхона хизматчилари ушбу ҳудуднинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашга интилмоқдалар. Ўрмонда яшайдиган ҳар бир жонивор ардоқда. Ўрмон хўжалигининг аҳил жамоаси бу ернинг ҳайвонот дунёсини ҳам яхши парваришлашмоқда. Бу ерда ёввойи чўчқалар, тулкию шоқоллар, бурсиқлар эркин ҳаёт кечиришмоқда. Заҳарли илонларнинг ҳам турлари кўп. Бургут, каклик, калхат ва тустовуқлар ҳам бу ерда сероб.

Қўриқхона хизматчилари ана шу жаннатмакон жойдаги табиий бойликларни асраб қолиб, янада кўпайтиришни мўлжалламоқдалар. Бу борада анча ишлар қилинди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қишга ҳозирлик аллақачон бошлаб юборилди. Охурларни таъмирлаш, туз ва озуқа тайёрлаш ишлари қизғин. Айниқса халқ боғи ҳудудида браконерлар томонидан узилган ўқ садолари эшитилмаслигига ҳаракат қилиниб, ёнғин чиқишининг олди олинмоқда.

Халқаро «Қизил китоб»га киритилган жониворларни асраб, уларни кўпайтиришдек фахрли ишга қўриқхона олимлари катта ҳисса қўшишмоқда. Улар орасида Бухоро бўғуси — хонгул алоҳида ажралиб туради. Ана шу гўзал жонивор қачонлардир Қорақалпоғистоннинг беповн тўқай ўрмонларида хотиржам ва осойишта ҳаёт кечирарди. Бироқ табиатга нисбатан шафқатсизлик билан ёндашилгани кўплаб ўсимлик дунёси ва бўғуларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлганди. Айни пайтда бу жониворлар янада кўпайтирилмоқда. Бугунги кунда қўриқхонада камдан-кам учрайдиган ноёб жониворлар 100 дан ортиқдир. Хонгуллар «Бодай тўқай» қўриқхонасида ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Ушбу гўзал масканда булган киши қадимий Қорақалпоғистон тупроғининг қайта туғилиб, янгиланиб бораётганлигини ҳис этади. Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Темур Абдиров, Беруний тумани ўрмон хўжалиги раҳбари Рустам Янгибоев, қўриқхонанинг бош ўрмончиси Қолбой Мамутов ва қўриқхона директори Қолбой Сапаевлар бу ишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Айни пайтда қўриқхонада қилинаётган амалий ишларни кўриб, бу ерда меҳнат қилаётганлар ғайрат-шижоатига офаринлар айтишмоқда. Бинобарин Оролбўйида мавжуд бўлиб турган ушбу умид қўрғони яқин келажакда бутун ҳудудда умид учқунларини порлатишига ишонгингиз келади.



СУРАТДА: қўриқхонага янги келтирилган Бухоро бўғулари.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Кеча Тбилисида Грузия миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Россия тинчликни сақловчи кучларининг Абхазиядаги фаолияти якунлангани мунсабати билан юз берган вазият муҳокама қилинди.***

* * *

☑ ***Днестрбўйи Республикаси пойтахти Тирасполда 1992 йилдаги ҳарбий тўқнашув пайтида ҳалоқ бўлганларнинг хотира куни ўтказилди. Шу муносабат билан митинг уюштирилди ва ҳалоқ бўлганларнинг қабрига гулчамбарлар қўйилди.***

* * *

☑ ***«Интернет» ахборот агентлиги хабарларига кўра кеча Тожикистон пойтахти —Душанбеда республика Олий Мажлисининг биринчи чақириқ еттинчи сессияси очилди. Кун тартибидаги асосий масала — Тожикистондаги сиёсий ва ҳарбий қарама-қаршилик иштирокчиларига амнистия бериш ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдир. Шунингдек, мамлакатда юз берган ижтимоий-иқтисодий вазият билан боғлиқ қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.***

* * *

☑ ***Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев АҚШга расмий ташрифи давомида Президент Билл Клинтон билан учрашди.***

* * *

☑ ***Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида 47-Пагуош конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Бу конференция 7 август куни якунланади. Бунда кўплаб мамлакатлардан келган 250 га яқин таниқли олимлар иштирок этишмоқда.***

* * *

☑ ***Черногория Бош вазири Мило Жуканович мамлакат президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилди.***

* * *

☑ ***Кеча Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Калининград шаҳрига келди.***

ВАТАН ХАРИТАСИ

«Қорақалпоғистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Янгича тафаккур — замон талаби» деб номланган китобини қорақалпоқ тилида босмадан чиқарди.

* * *

Имом ал-Бухорий номли халқаро мукофот учун ўтказилган конкурсда Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси Неъматилла Иброҳимов биринчи мукофотга сазовор бўлди.

* * *

Жиззахда янги корхона —акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди.

* * *

Ватанимиз чарм кўлқоп усталари Индонезияда ўтказилган «Индонезия Президенти кубоги» халқаро мусобақасида ғолиб чиқдилар.

* * *

Андижонлик олтмиш ёшли шифокор Маҳмуджон Қосимов республика бўйлаб велосипедда сафарга жўнаб кетди.

Қарор ва шарҳ

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Сир эмас, сўнгги пайтларда тор шахсий манфаатини ўйлаган айрим сотувчилар томонидан аҳолига савдо дўконлари орқали етказилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзларига ўхшаган диёнатсиз «чаққонлар» билан оғиз бириктириб кўча-бозорга «кия» қилиб юбориш, устига нарх қўйиб сотиш ҳоллари учраб турганди.

Қарор, энг аввало, истеъмолчилар — аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, бу борада рўй бераётган юқоридагидек тартибсизликларга чек қўйилишига қаратилган.

Қарорда кўрсатилишича, шу йилнинг 1 августидан бошлаб, ун, қанд-шакар, ўсимлик ёғи ва сариёғ, қуруқ сут ва болалар овқати чакана ва майда улгуржи тартибда сотилади, бунда сотув фақат турғун савдо корхоналарида амалга оширилиб, мувофиқлик ҳамда сифат сертификатлари, тайёрланган санаси, яроқлилик муддати, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун озодагарчилик шарт-шароитлари яратиш барча жисмоний ва юридик шахслар учун шартдир.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши тасодифий бўлмай, айрим ўз нафсини ўйлаган кимсалар шахсий бойлик орттириш мақсадида яроқлилик муддати ўтиб кетган молларни истаган жойда пуллаш ҳоллари учраб турибди. Табиийки, очиқ жойларда сотилган моллар сифати бузилиб, истеъмолчилар саломатлигига раҳна солади. Устига устак баъзи нафси ҳакалак отган кимсалар уч-тўрт сўмлик чой-чақани ўйлаб, маҳсулотлар устига нарх қўйиб сунъий равишда қимматчиликни вужудга келтиришяпти.

— Ушбу қарор ҳамманинг кўнглидаги гапни ифодалади, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли Абдулла Ғофуров. — Баъзан кундалик рўзғор учун ун ёки шакар олишга тўғри келса, дўкон пештахтасида топилмай бозорларда, гузарларда, очиқ ва ифлос жойларда сотишаётган ҳолларга дуч келардик. Маҳсулот баҳоси эса «эркин нарх» ниқоби остида бўларди. Маҳалла аҳли бундай аҳволни кўриб ранжир, дўконда сотилиши керак бўлган бу маҳсулотлар олибсотарлар қўлига қандай тушиб қолганидан ажабланарди. Мана энди Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори туфайли аҳоли соғлиғига зарар етказиш ҳолларининг олди олиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этишда тегишли тартиб ўрнатиладиган бўлди. Мазкур ҳужжатни инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳақиқий намунаси сифатида кутиб олдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олинган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш чоғида уларга республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг 1997 йил 23 апрелдаги 1318/1218-сон қарорининг савдо корхоналари ва ташкилотлари учун 20 фоизгача миқдорда рентабелликнинг энг юқори даражаси бўйича чеклашларни жорий этиш қисмидаги шартларни татбиқ этиш белгиланди. Хўш, бу шартлар нималардан иборат? Республикада пул-кредит сиёсати комиссиясининг мазкур қарори миллий валютамиз нуфузини мустаҳкамлаш, айни пайтда аҳоли учун зарур маҳсулотларни харид қилишда савдо устамаларини бекор қилишни назарда тутган эди.

Қарорда белгиланган қоидаларга риоя қилмаган жисмоний ва юридик шахслар савдосини тўхтатилади, уларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланади, зарур бўлса маҳсулотлари олиб қўйилиб, кейинчалик қонунларда белгиланган тартибда мусодара қилинади. Мусодара этилган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли суд органларининг қарорлари асосида 10 кун муддатда баҳоланади, ҳамда махсус дўконлар орқали сотишга юборилади. Шу маънода ушбу қарор республика Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига катта вазифалар юклайди.

Мамлакатимизда 1997 йилнинг биринчи ярми натижалари якунланганда кўнгилни қувонтирувчи ютуқлар билан бирга иқтисодиётимизни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Шулардан бири пул эмиссиясини камайтиришдир. Аҳоли учун кундалик зарур маҳсулотлар — ун, шакар, ўсимлик ёғи ва сариёғ, қурқ сут ва болалар овқати турғун дўконларда сотилса, нақд пул тушуми яхшиланиши табиийдир. Яширишнинг кераги йўқ, бозорлар, гузарлар, бекатларда ўрнатилган муваққат пештахталарда назорат касса аппаратлари ишлатилмайди, натижада нақд пул тушумини назорат қилиш қийинлашади. Демак, ҳукуматимизнинг ушбу қарори аҳоли қўлидаги пулларни банкларга ўз вақтида тушишини таъминлайди, бу, ўз-ўзидан равшанки, ислоҳотларга қанот бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 29 июль куни бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида **«Биз инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имкон яратмасдан, бу манфаатларни фаол бунёдкор куч сифатида эътироф этмасдан туриб, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тўғри ва изчил ҳаракат қилолмаслигимизни яна бир бор англаб олдик»** дея таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори давлатимизнинг инсон манфаатларига хизмат қилиш борасидаги оқилона сиёсатининг чинакам ифодасидир.

Ушбу қарор ҳақида ўйлар эканмиз, кўнглимизда бир истиҳола туғилганини айтишга жазм қиламиз. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг олти йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Юртимизда азалий қадриятлар тиклانмоқда. Тинчлик ва осойишталик барқарор вазиятда бунёдкорлик ишлари учун барча шароитлар яратилган. Хўш, ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари бизга ҳавас қилиб турган бир пайтда арзимаган фойда деб, нафс ўпқонини тўлдиришга уринаётган ҳамюртларимизнинг чакки ҳаракатларини жиловлашга тўғри келишини қандай баҳоламоқ керак. Ахир бойлик орттираман деб, халқ соғлиғига хавф туғдириш мусулмончиликка тўғри келмайди-ку?! Қадимда инсоф, диёнат айнан бизнинг юртимизда ошиён топмаганмиди?! Қани аждодлар анъанасига садоқат? «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган эзгу даъват янграётган, ўз тақдиримизга ўзимиз масъул бир замонда иймон ва адолат ҳар бир ватандошимиз юрагида мангу муҳрланиши керак. Иншоолло, пок ниятларимиз рўёбга чиқусидир!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.
Азим ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

Мустақил Ўзбекистон барча жабҳаларда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш йўлидан боряпти. Маълумки, дунёдаги тараққий этган давлатлар жамиятни деморактлаштиришда нодавлат ташкилотлар билан яқиндан алоқада бўладилар. Бу жараён бизнинг давлатчилигимизда қай йўсинда кечаётир? Тошкент шаҳар жамоат маслаҳат кенгашининг раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Садриддин Салимов билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Яқинда Женевада бўлиб ўтган нодавлат ташкилотларнинг халқаро анжуманида иштирок этдингиз. Жаҳондаги нодавлат ташкилотларнинг жамият тараққиётидаги ролига ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Аввало, халқаро анжуманнинг асосий мақсади нодавлат ташкилотларнинг 2000 йилгача бўлган даврдаги фаолият йўналишини аниқлаб олиш эди. Унда жаҳондаги 55 та давлатдан, 20 та халқаро ташкилотлардан ва 141 та нодавлат ташкилотлардан вакиллар қатнашди. Нодавлат ташкилотларнинг раҳбар органи сифатида ҳукуматлараро раҳбар гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, бу ташкилот нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади.

Кези келганда шуни ғурур билан таъкидлаб айтмоқчиман. Раҳбар гуруҳи аъзоси Серджио Вьейра де Мелло кўпгина хорижий давлатлар шаънига танқидий фикрлар билдирди. Юртимиздаги ўзгаришлар ҳақида илиқ таассуротлар айта туриб: «Биринчидан Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Марказ ташкил қилди ва иккинчидан, Ўзбекистон давлатининг Президенти демократлаштириш жараёнини ривожлантириш тадбирларини кенг кўламда амалга оширмоқда. Бу тажрибага бошқа мамлакатлар эътиборини қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди», деди. Очиғи, бундан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Агар қайси мамлакатдаги нодавлат ташкилоти давлат ташкилотлари билан муроса қилиб ишламаса, бундай ташкилотларни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватламайди. Қолаверса, тан ҳам олмайди. Жамоат ташкилотлари давлат томонидан белгиланган дастур ва чора-тадбирларни амалга оширади.

— ***Халқаро гуруҳ нодавлат ташкилотларнинг қайси йўналишидаги тадбирларини қўллаб-қувватлайди?***

— Шуни, унутмаслик керакки, халқаро гуруҳнинг асосий мақсади биринчи навбатда мамлакатдаги ички этник гуруҳларнинг низомларини бартараф этиш. Мабодо шундай сиёсий вазият юзага келса, оқибатларини тугатишга киришади. Тинчлик, тараққиёт, инсон манфаати. Шу уч ғоя халқаро гуруҳнинг иш мезони. Минг тараққиёт илгариламасин, барибир жамиятда муаммолар учрайди. Нодавлат ташкилотлари катта куч. Давлат қамраб ололмаган «қатлам»ларни ҳам «эплайди».

— ***Мамлакатимиздаги нодавлат ташкилотлари қандай ишларни амалга оширмоқда?***

— Нодавлат ташкилотларини биз жамоат ташкилотлари деб ўрганганмиз. Лекин жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи тубдан ўзгарди. Қомусимизда «Фуқаровий, ҳуқуқий, демократик ривожланган» давлат қуриш асосий мақсад қилиб белгилаб қўйилган. Бугун биз маъмурий буйруқбозликка асосланган эски тизимни йўқ қилиб, ўрнига халқ манфаати учун ишлайдиган, кенг жамоатчиликка таянадиган янги тизимни яратиш устида иш олиб боряпмиз.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон Олий Мажлисида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, 1996 йил октябрь ойида Республика Президентининг Фармони билан «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ва Омбудсмен бюроси» яъни координатори ташкил қилинди. Ундан ташқари Тошкент юридик институти қошида инсон ҳуқуқларини ўрганиш ва гуманитар ҳуқуқ маркази ҳам очилди. 80 дан кўп миллий марказлар бор. Тошкентнинг ўзида 30 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатяпти. Шу ўринда жамоат ташкилотининг катта кучга эгалигини айтмоқчиман. Ижтимоий кам таъминланган оилалар, тарбош қотиришга тўғри келади. Мустақил республикамиз меҳнаткашлари учун зарур бўлган нафис ва гўзал газламалар ишлаб чиқариш учун Белоруссия ва Россия корхоналаридан вискоза, лавсан толаларини сотиб олиш масаласини кенг кўламда ҳал этиш давр тақозоси бўлиб қолган.

Наманган шойи ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти асосан лавсан, вискоза ва пахта толалари аралашмасидан кўйлак ва ёмғирпўш ҳамда кўйлаклик газмоллар турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган республикамиздаги ягона корхонадир. Корхона Давлатобод тумани марказида 55 гектар майдонни эгаллаб турибди. Жамият таркибида йигирув, тўқув, бўёқ пардозлаш фабрикалари, Ҳаққулободда тикувчилик фабрикаси, механика, энергетика ва нақлиёт бўлимлари мавжуд.

Қалоқликдан илгорликка қараб бораётган жамият 249 миллион сўмлик акция соҳибидир. 25 минг 364 дона акциянинг ҳар бири 3,5 минг сўм туради. Шундан 583 донаси, яъни 37 фоизи эркин савдога чиқарилган. 38 фоизи эса жамоа улуши сифатида корхона ишчиларига берилган. Жамоа акциядорлари бу йил мўмайгина дивиденд олиш учун ҳаракат қилишаётир. Умуман олганда, бу ерда 6 минг 300 киши меҳнат қилади. Меҳнат шароитлари яхшиланганлиги туфайли кейинги ойларда ишчилар сафига яна 400 киши қўшилди. Илғорлардан Одина Тошматова, Любовь Кошилева, Ўриной Дадахўжаева, Усмонжон Қосимов, Ғофуржон Салимов, Савринисо Акбарова, Маҳкамхон Эрматовалар ўз касбининг устаси сифатида танилишган.

— Энг муҳими — истиқболни кўзлаб, корхона тақдири учун қайғуришдир, — дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Юсуфжон Собиржонов. — Жамоанинг обрўйини эса фақат харидоргир, сифатли маҳсулот оширади. Имкониятлар тўлиқ ишга солинса, жаҳон стандартлари талабига мос, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин. Бу борада бизда бирмунча ишлар қилинди. Ҳозирнинг ўзида Туркия ва бошқа давлатлар аралаш тола ҳамда 100 фоизлик пахтадан йигирилган ипларимизга харидор бўлиб турибди.

Корхонада харидоргир, рақобатбардош маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш мақсадида изланишлар давом эттириляпти. Яқинда немис мутахассислари саъй-ҳаракати билан цехларга янги замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.



ЎЗБЕКИСТОН — АВТОМОБИЛЬ МАМЛАКАТИ. Ҳ. УСМОНОВ олган сурат.

АСОСИЙ МАҚСАД — РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ

Бозор иқтисодиётининг қатъий қонуни бор: кимнингки, ишлаб чиқарган маҳсулоти сифатсиз бўлса, у рақобатга бардош беролмайди, пировардида корхона синади. Намангандаги шойи ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ўтган йили оғир аҳволга тушиб қолганди.

1996 йилнинг ноябрь ойида Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қуйидагиларни ачиниб гапирганди: — «Вилоят саноатининг етакчи тармоғи ҳисобланган енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камаймоқда. Ишчилар сони кескин қисқармоқда. Жумладан, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги уч йилда учта раҳбар алмашди...»

Ушбу танқид қисқа муддатда ўз мевасини берди.

Наманганлик шойи ишлаб чиқарувчилар юртбошимиз танқидидан тўғри хулоса чиқариб, қандай бўлмасин корхона шуҳратини тиклашга бел боғладилар. Орадан кўп ўтмай тажрибали, мутахассис Абдурашид Убайдуллаев раҳбарликка сайланди.

Ёш сардор вазифани ҳам, бурч ва масъулиятни ҳам аниқ тушунди. Одамларнинг руҳини кўтариб, уларнинг манфаатдорлигини оширишга эътиборни кучайтирди. Имкониятларни қидириб топиб, маблағ ва янги дастгоҳлар келтирди, одамларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаб боришни ташкил қилди.

Орадан қисқа вақт ўтиб корхонада сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бугун бу ерда бўлсангиз, ишчилар юзидаги табассумни, сафарбарлик руҳини, жўшқинликни кўрасиз. Қачон маош бўларкин, деб маъюс юрган ишчиларни учратмайсиз.

Жорий йилнинг беш ойи ичида 521 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди — жамият раисининг молия-иқтисод масалалари бўйича ўринбосари Юсуфжон Собиржонов. — Шу ўринда бир нарсага эътиборни жалб этишни истардим. Ўтган йилни 13 миллион сўм зарар билан якунлагандик. Изланиш ва самарали меҳнат туфайли ўтган ойлар ичида зарар тўлиқ қопланиб, 10 миллион сўм даромад олинди. Йил охиригача жамоамиз 1 миллиард 200 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Агар шу довондан ошиладиган бўлса, корхона камида 70 миллион сўмлик соф даромадга эга бўлади.

Жамиятдаги мавжуд технология ва жиҳозлар сунъий толаларни қайта ишлашга мослашган бўлса-да таркибида вискоза, лавсан толалари мавжуд бўлган газлама турларини ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйиш борасида

Ўзбекистон ва жаҳон

ёшлар ислом таълимоти ҳақида бир ёқлама тасаввурга эга. Халқаро ислом тадқиқотлари маркази раҳбари шайх Абдуғани ҳожи Абдуллоҳ билан омма орасида ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб борамиз. Ўзим ислом тарихидан талабаларга дарс бераман. Ислом таълимотида айтилади, инсон диний мазҳабидан қатъи назар бир-бирига хунрезлик қилиши гуноҳи азимдир. Шунинг учун инсонни баркамол, маънавияти бой қилиб тарбиялашимиз керак. Модомики, маънавияти гўзал инсон яхши яшашни билади. Ҳаётдек бебаҳо неъмат қадрига етади.

— ***Домла, бугунги кунда биз ўтиш даврининг баъзи иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш чоғида ҳам маънавий қашшоқликка ҳам дуч келяпмиз-да, тўғрими?***

— Сўзсиз шундай. Бой маданий меросимиз, қадриятларимизни ўзлаштириш айнан шунинг учун зарур асли. Зотан, нодавлат ташкилотларнинг қамрови жуда кенг. Ҳали бу борада қилинажак ишларимиз, жаҳон тажрибасидан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Зеро, келажаги буюк, ҳуқуқий давлат қуриш сари одимлаяпмиз. Нодавлат ташкилоти эса жамиятни демократлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Жаҳон тажрибаси буни кўп бор исботлагандир.

Суҳбатдош: Саида БОНУ ЙЎЛДОШЕВА.

Ислоҳот ва масъулият

Маҳаллий мутахассислар тайёрланиб, иш жойларига қўйилди. Шу туфайли жамият корхоналари сафига яна бир янги корхона қўшилди. Бу корхона бир йилда 3720 тонна юқори сифатли аралаш толалардан ип йигириш имкониятига эга. Янги корхонада ҳозирнинг ўзидаёқ 400 тоннадан ортиқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса 2—3 турдаги янги матолар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Йигирув фабрикаси қурилишида 49,9 миллион немис маркаси миқдоридаги сармоя сарфланди. Яқин келажакда бу ерда 7528 тонна калава, 34 минг 892 погон-метр тайёр газлама ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда корхона акционерларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ерда 1300 ўринли 6 та болалар боғчаси, 500 ўринли тиббий-санитария бўлими, кунига 600 кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника, 790 ўринли маданият саройи, 240 ўринли болалар оромгоҳи, 60 ўринли дам олиш маскани ва 59 та кўп қаватли уйдан иборат тўқимачилар шаҳарчаси ишчилар хизматида.

Ҳа, куни кеча қолоқлик ботқоғига ботган корхона ишчиларининг кайфияти бугун ўзгача. Улар ўз корхоналарини бой-бадавлат қилишга, унинг маҳсулотларини оламга таратишга ҳаракат қилишаётир. Бинобарин бу ҳаркатларнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, бундан ишчиларнинг ўзлари манфаатдор бўладилар. Бинобарин, манфаатдорлик бор жойда ютуқлар ҳам ўзини кутириб қўймайди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Элсевар ҲАМДАМОВ.

МАКТАБ... ЎТТИЗ ИККИ ҲАРФ ЭМАС

Мактаб боласи мактабидан андоза олиб каттаради. Муаллимидан, тенгқурлари — синфдошларидан ва ҳатто, мактаб ҳовлисидаги дарахтларнинг қандай ўсаётганидан шунчалик ҳам бохабар бўладики, пойабзалини артиб юришга ўрганмаган битта ўқитувчи, дераза ойналари синиб қолган битта қаровсиз синф, маош об келгани кетдим, деб кунини халқ таълими идорасида ўтказувчи битта директор ҳар қандай тиришқоқ ўқувчини Ғафур Ғуломнинг «Нортожиси»га айлантириб қўйиши мумкин. Худо кўрсатмасин, «Нортожи»лар бригада»сини «битирувчилар кечаси»нинг ноғоралари садоси остида мактаб дарвозасидан «катта ҳаёт»га чиқариб юбориши мумкин.

Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири Файзулла Мирзаев билан биз шу ҳақда гаплашдик. Гапнинг давоми мисолга тақалди. 18-мактабдаги деразада турган ойналар ўғриланди. Бу — ўқитувчиларнинг қилиғи бўлса керак, дегандай гап шамоллади. Шамол ўқувчиларнинг ҳам фикрини тўзғитгандай бўлди. Улар бир-бирларининг ручка-қалам ва яна нима баҳоларини ўғрилай бошладилар.

Ҳайрият, ойна ўғрисини тутдилар. Хайриятки, ўғри бошқа киши экан. Ҳайрият, ручка йўқотиш, қалам йўқотишлар ҳам тўхтади.

Кун—узоқ кун мактаб директорлари тўрвасини қўлтиқлаб, халқ таълими бўлимига қатнарди. Маош олиш илинжида ғазнанинг эшигини пойларди.

Мудир, бас, деди. Ўқитувчиларнинг маошини кассирнинг ўзи элтиб беради. Кассир ҳам, директор ҳам ўзининг ишини қилсин, деди. Энг яхши ишлардан бири шу бўлди, халқ таълими бўлими ўзининг кичик корхонасини очиб олди. Сақич кетди, бўёқ кетди — об қолинг дейдиган корхона эмас. Ишлайдиган корхона.

Масалан, бу йил корхона мактабларга яроқсиз деб, чиқариб ташланган 150 партани, 300 та ўриндиқни таъмирлаб берди. Нафақат ўриндиқ, лозим бўлса корхона мактабларнинг электр жиҳозларини таъмирлайди.

Энди бўлса, халқ таълими бўлими одамлари бўр, сувбўёқ (водоэмулсия) ишлаб чиқарадиган цех очиш ҳаракатига тушган. Мактаббоп кийим-кечак тикиш цехини ишга туширишни ният қилишган. Ўқувчиларнинг оёқ кийими бошни қотирган. «Ипподром»нинг пойабзали қиммат. Сирти ялтироқ, ичи — қалтироқ. Ўзимизникилар нима пойабзал ишлаб чиқаряпти-чиқармаяпти — дўконларда ярқ этиб кўзга ташланмайди. Шунинг учун ҳам бўлим ҳар бир мактаб қошида пойабзал таъмирлаш устахонаси очмоқчи. Устахона фақат пул ишламайди. Балки чармга бигиз қадашни ўқувчиларгаям ўргатади.

Мирзаевнинг фикрича, ўқувчи мактабдан учирма бўлганда, миясига Пифагор теоремаси ё Ньютон қонунини илаштириб кетгани яхши. Шунга қўшиб бирон касб-ҳунарни илаштириб кета олса, ҳеч бўлмаганда укаларининг пойабзалини созлаб бера биладиган бўлса, ундан ҳам яхшироқ ишлашни кўнглига тугар.

Таълимнинг юраги

Мирзаев суҳбатдошини чарчатиб қўйишдан ҳадик оладиган барча яхши одамлар сингари гурунгига латифа илова қилди. Эмишки, эллигинчи йиллардами мактабга ишга кирган бир одам (ўқитувчи эмас, бир одам) ўттиз икки кун ишлагандан сўнг, ўттиз учинчи куни директорга дуч бўлипти.

— Болагиналарга ўттиз икки ҳарфни ўргатиб бўлдим. Бўлса, яна ҳарфдан чўзинг, ўргатишни давом қилай, депти.

— Мактабни ўттиз икки ҳарф деб билувчилар ҳозир ҳам... бор, — дейди мудир. — Муаллимларнинг ичидаям бор. Муаллим зўр бўлсин-чи, ўқувчи мактабни соғиниб яшайди. Мактаби тушларига кириб чиқади. Иш ана шундан сўнг бошқача кетади...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзгаришлар самараси

НАФОСАТ БАЙРАМИ

АНДИЖОН. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра мустақилликнинг 6 йиллиги ва Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган гўзаллик ва санъат танлови ўтказилмоқда. Яқинда Асака шаҳар фаоллари Шаҳрихонга келишди. Меҳмонлар байрам муносабати билан ташкил этилган халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат кўргазмаларини томоша қилдилар. Кўрик-танлов гўзалликни, инсоний фазилатларни тараннум этиш билан бирга дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЖАРҚОҚДА ЖОНКУЯР БОРМИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 20 февраль)

Қоровулбозор тумани ҳокимлигида ушбу танқидий мақола ўрганиб чиқилди ва муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам мақолада кўтарилган муаммо ўринли, билдирилган мулоҳазалар асосли эканлиги тасдиқланди.

Туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳи Жарқоқ қўрғонида бўлиб, аҳоли билан мақолада айтиб ўтилган камчиликлар хусусида мулоқот ўтказдилар, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

А. Ғиждувоний номли, «Гулистон» ҳамда «Жарқоқ» жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари Жарқоқ қўрғонида истиқомат қилади. Шу хўжалик раҳбарларига қўрғонда тозалик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида масъулиятни ошириш, камчиликларни тугатиш учун аниқ кўрсатмалар берилиб, тегишли вазифалар юклатилди.

Жарқоқ қўрғонида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик бўйича икки ойлик тадбир ишлаб чиқилди. Ушбу тадбирда тозалик ва ободончилик бўйича шанбаликлар ўтказиш, кўчаларни тартибга келтириш, уйларни таъмирлаш, техника, транспорт воситаларини хўжаликлар устахонасига киритиш, кўчаларда тунги ёритгичлар ўрнатиш, ичимлик суви ва бошқа муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган. Шунингдек, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида машиний шаҳобчаларни кўпайтириш, кутубхона, маданият уйи, спорт ишларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни бажариш учун аниқ муддат ва назорат қилиш учун масъул кишилар тайинланди. Туман ҳокимлиги амалга оширилаётган ишларни мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С. РУСТАМОВ.

«ЧОРШАНБЕ» ЁРДАМГА МУҲТОЖ»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 12 июнь)

Мақола юзасидан тааллуқли ташкилот ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган текшириш натижасида қуйидаги тадбирий чоралар ишлаб чиқилди.

Қишлоқни бугунга қадар газлаштириш лойиҳаси тайёрламаганлигини ҳисобга олиб бу ишни туман ички имкониятлари ҳисобидан тез орада ҳал этишни туман ҳокимлиги ўз зиммасига олди.

Имкониятлардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида вилоятга ушбу мақсадлар учун ажратилиши режалаштирилган маблағлар ҳисобидан 2 километр узунликда газ йўллари қурилишини амалга ошириш мутасадди ташкилотлар зиммасига юклатилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. КАРИМОВ.

«ТАРБИЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 5 июнь)

Мақола Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги идоралари ходимлари ўртасида атрофлича танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Вилоят ҳудудида вояга етмаган ўсмирлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар олдини олишга қаратилган иш режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, вилоят «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармаларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ўқиш ва фойдали меҳнатга жалб этиш борасида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ижро этилиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида кам таъминланган оила фарзандларига биринчи навбатда йўлланма берилиб, уларнинг ёзги дам олиш масканларига юборилиши амалга оширилмоқда.

Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишлаш хизмати ходимлари томонидан жорий йилда фойдали меҳнат билан шуғулланмай юрган 163 нафар ўсмир ишга жойлаштирилиб, 222 нафари эса ўқиш жойларига қайтарилди.

Вилоятда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «Ўсмир», «Оила», «Ғамхўрлик» ва бошқа тадбирлар тасдиқланган махсус режалар асосида амалга оширилмоқда.

Ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилган ишлар натижасида улар томонидан содир этилган жиноятлар 1997 йилнинг 5 ойи якуни бўйича 116 тадан 107 тага ёки 7,8 фоиз камайтиришга эришилди.

Мақолада кўрсатилган Марғилон шаҳрида ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи вилоят ички ишлар бошқармасининг тажрибали ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, бу ишларни янада такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Шаҳар ўрамида ўсмирлар ўртасида профилактика ишларини сусайтириб юборганликлари учун Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан шуғулланувчи инспекция ходимлари интизомий жазога тортилдилар.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи К. ХИДИРАЛИЕВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Насиба». Фильм-концерт.
9.10 «Бир ўлка-ки...»
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ўрмон қўшиғи». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.00 «Мен билган, билмаган дунё».
11.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55 «Ҳуда-беҳуда гаплар». Бадиий фильм.
13.10 ЎзТВ хазинасидан. Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни». Теленовелла.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Диёр». Тележурнал.
18.35 «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
19.05 «Олам ва одам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Сиёсат оламида».
21.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. Р. Маъдиев, Б. Умиджонов. «Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Чорак финал. «Пахтакор (Тошкент — «Насаф» (Қарши). Ёзиб олинган.
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жаҳон кузбуямачилари». Қизиқарли дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.00 Кундалик.
22.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.20 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 24.00 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.20—20.30
*
20.30 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Золушка». Бадиий фильм. (АҚШ)
22.55 «Ватанга қайтган хазина». Телефильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Дидар».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Фариштам».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
***
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Шарқ тароналари». Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тоғларнинг гули ўзгача».
9.40 «Олам ва одам».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт чашмаси». Публицистик кўрсатув.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Умид учқунлари». Тележурнал.
11.20 «Бир чол ёмғир олдига боргани ҳақида». Мультфильм.
11.30 «Сиёсат оламида».
12.00 Р. Маъдиев, Б. Умиджонов. «Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.30 «Оляга аталган гуллар». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
18.30 «Нуроний».
18.55 Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Тасвирга кўчган кўнгил».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».«Туртинчи ҳокимият».
21.20 «Шийпондаги учрашувлар». Андижон вилояти Балиқчи тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Нефтчи» (Фарғона). Ёзиб олинган.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Лирик тароналар».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жаҳон кузбуямачилари». Қизиқарли дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ». «Инспектор Морс». 1-серия.
22.50 Кундалик.
23.00 «Акс».
23.20 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.35 «Спорт қитъаси»
00.15 — 00.25 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Томоша». Болалар фольклор ансамблининг концерти.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қум тепа». Бадиий фильм.
22.50 «Богимизга марҳамат». Манзарали фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун» Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Немис тўлқини».
21.00 «Европа манзаралари».
21.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ватан фахри». Кинодастур.
9.10 «Лирик тароналар».
9.40 «Дард ва даво».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Бўш вақт — бекорчилик эмас».
10.35 Янги алифбони ўрганамиз.
11.05 «Ассалом, япон тили!»
11.45 «Қора шаҳзода.». Бадиий фильм.
13.20 «Шийпондаги учрашувлар». Андижон вилояти Балиқчи тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болаларга бахшида умр». Кичкинтойлар учун «Қўнғироқча».
18.30 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур...»
18.35 Жамоат ташкилотлари:»Маслак ва мақсад».
18.55 Фольклор-этнографик ансамбларнинг «Зилол-97» телефестивали.
19.10 «Излаган имкон топар...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Узбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
21.50 «Пардали гап».
22.25 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига «Юртим муъжизалари».
22.45 «Саҳна ҳаёти».
23.15 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент фавворалари». Манзарали фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Япония ҳақида ҳикоялар.
00.10 — 00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультфилм.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жаҳон кузбуямачилари». Қизиқарли дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кунгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.15 «Спорт қитъаси».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30
***
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сарацин». Телесериал (АҚШ)
22.25 «Оддий муъжизалар». Телефильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Осойишта хонадонда».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.35 «Азизим».
21.05 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Парвоз».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Узбекистон — Ватаним маним». Қўшиқ байрами.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Мувозанат».
9.40 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол қушиқлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дунё адабиёти.
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 «Талаб ва тақлиф». Публицистик кўрсатув.
11.20 «Саҳна ҳаёти».
11.50 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм.
12.00 Узбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.30 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». Телебеллашув.
18.30 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига «Ҳазрати Инсон».
18.40 «Тилга эътибор».
19.00 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иймон».
21.25 Эълонлар».
21.35 «Кино жавонидан».
23.10 «Мунажот». Мумтоз наволар.
23.20 — 23.30 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
20.50 «Қарқара уясини ўзгартиради». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.00—21.30
***
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сарацин». Телесериал.
22.25 «Занданеча сири». Телефильм.
22.40 «Ўра», Қисқа метражли бадиий фильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шалом».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Она».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Каталог».
21.45 «Интерспорт».
21.55 «Минг бир маслаҳат».
22.25 «Голливуднинг ажабтовур уйинлари». Сериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мумтоз мусиқа саҳифалари».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
9.35 «Қизиқарли учрашувлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамкорлик ришталари».
10.30 Немис тили.
11.00 Болалар учун фильм. «Кулол ва хумча».
12.15 «Соз сеҳри». Мусиқий кўрсатув.
12.35 «Сайқал». Тележурнал.
13.30 «Аския».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оламни асранг».
18.35 «Оила». Тележурнал.
19.00 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ёшлик» студияси: «Қадаҳдаги кўз ёшлар...»
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.20 «Узбекистон бастакорлари». Бахтиёр Алиев.
22.00 Хива — 2500. «Меҳр макони».
22.20 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — МҲСК. Ёзиб олинган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Умрбоқий тароналар».
00.15 — 00.25 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000-йилдан сунг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қушиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Сир».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Иймон».
11.00 «Кино жавонидан».
12.35 — 12.45 «Мунажот». Мумтоз наволар.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «Камолот».
18.55 «Ҳар лаҳзада қушиқ».
19.00 «Дарсдан сунг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Жарангдор соз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Янги иншоотлар».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.10 «7 дан 70 гача».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи»
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30—8.00
***
17.20—21.30
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Сарацин». Телесериал.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.30—23.00
***
23.00 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Бу бўстон аро».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Маънавият ва Ислом».
21.55 «Монитор Азия».
22.15 «Ширу-шакар».
22.45 «Йўллар ортидаги йиллар».
23.10—23.20 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Узбекистон бастакорлари». Бахтиёр Алиев.
9.05 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Идрок».
10.50 Хабарнома.
11.00 «Ҳамроҳ».
11.25 «Менга сўз беринг...».
12.05 «Келин-кўёв». Телешоу.
12.40 «Тасаввур олами». Халқ амалий санъати».
13.05 ЎзТВ хазинасидан. «Дунё кезган либослар».
13.55 — 14.55 «Маржон». Телеклуб.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Филча ва мактуб». Мультфильм.
18.10 Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига «Қўшигим — жон қўшигим».
18.40 «Аудитория».
19.05 «Олтин мерос». Рақс, рақс, рақс...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистоннинг янги тарихи.
21.30 Узбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.
22.00 Газета саҳифаларида...
22.15 Футбол. Осиё кубок эгалари кубоги. «Нефтчи» (Фарғона) — «Копет-Даг» (Ашгабад). Ёзиб олинган.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.05 «Императорнинг махфий фармони». Бадиий фильм.
II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Камолот».
9.35 «Ҳар лаҳзада қушиқ».
9.40 «Дарсдан сунг»..
10.05 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Янги иншоотлар».
10.45 «Кинонигоҳ».
12.20 — 12.40 «7 дан 70 гача».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сунг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Гулшан аро гулчеҳралар».
19.15 «Минг бир ҳунар соҳиблари». Рассом Акмал Нуриддинов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Мафтункор чеҳралар».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Интер-футбол».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Видео-»О». Саргузашт фильмлар экрани.
00.35 — 00.45 «Даракчи».
III
17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 22.15
*
22.15 Эълонлар.
22.20 Рок-н-ролл «Элвис» фильмида. 1-серия.
23.30 — 23.50 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Бухоро». Манзарали фильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Муҳаббат ҳамиша ғолиб». Бадиий фильм. (Ҳиндистон).
12.35 «Биргаликда куйлайлик».
13.20 — 13.40 «Корейс тилини ўрганамиз».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Самодаги олмослар». Телесериал.
20.50 «Тақдирлар».
21.20 «Ягона осмон остида».
21.35 «Ассалом, Франция!»
22.05 «Ойна». Бадиий фильм.
23.45 «Бу ажиб дунё».
00.05 «Хит-коллекция».
00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.45 «Аудитория».
12.10 «Мусобақалар, секундлар, ютуқлар».
12..25 Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.
12.55 «Болалигим — пошшолигим».
13.55 Бугун — Қурувчилар куни. «Юрт обод — кунгил шод».
14.25 «Жаҳонгашта рицарь». Кўп қисмли бадиий фильм. 3—4-қисмлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.30 «Исмлар тарихи».
18.45 «Олам».
19.05 «Донишнома».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қора кўзлар ёдимга тушди...» Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти Наманган тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
21.45 Футбол майдонларида.
22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Афандининг беш хотини». Фильм-спектакль.
00.05 Эълонлар.
00.10 «Ҳафтанома».
00.40 — 00.50 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Гулшан аро гулчеҳралар».
9.55 «Минг бир ҳунар соҳиблари». Рассом Акмал Нуриддинов.
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 «Дармон».
10.35 «Ханда дўкони».
10.55 «Мафтункор чеҳралар».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Интер-футбол».
12.25 — 14.00 Видео— «О».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультипанорама».
18.40 «Турфа олам».
19.00 «Сурнай наволари».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Жараён».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Миллионлар уйини».
22.35 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
22.50 Видео — «О».
00.25 — 00.35 «Даракчи»
III
16.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
16.25—20.50
*
20.50 Эълонлар.
20.55 Рок-н-ролл «Элвис» фильмида. 2-серия.
22.05 И. Понаровская билан учрашув.
22.30—22.55 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Тонгингиз хайрли булсин!».
9.30 «Парле ву франсэ».
9.55 «Эртакларнинг сехрли олами».
11.35 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 «Киносалон». «Жилва».
13.30 «Ракурс».
14.00 «Жонли сайёра».
14.20 «Норт». Бадиий фильм.
15.55 «Шу куннинг мавзуси».
16.10 Мультэкран.
16.30 «Сенинг вақтинг».
16.50 «Узбектелефильм» маҳсулоти. «Тошкент: кеча, бугун ва эртага».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Мусиқий олимп».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Тошкент оқшомида».
20.30 «Иштирок этувчилар».
21.35 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Киносалон». «Шоушангдан қочиш». Бадиий фильм.
00.25—00.35 «Хайрли тун!»

Шу йилнинг 31 июль куни Абхазиядаги Россия тинчлик ўрнатувчи кучларининг хизмат муддати тугади. Бу кучлар 1994 йил 14 майда икки мамлакат ўртасидаги ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишувга биноан Абхазияга киритилган эди.

* * *

Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари оммавий ахборот воситалари ташкилотлари раҳбарларининг маслаҳат-кенгаши бўлиб ўтади. Халқаро журналистлар федерацияси ва Россия журналистлар уюшмаси бу анжуманнинг та-

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

шаббускори бўлди. Учрашув миллий журналистикани оёққа турғазиш, ахборот бозори, фуқароларнинг ахборот олиш эркинлиги масалаларига бағишланади.

* * *

АҚШ конгрессида Сахалиндаги нефть ва газ конларини ўзлаштириш учун 116 млн. доллар ажратиш тўғрисидаги кафолат хати имзоланди.

* * *

Заир давлатининг собиқ Президенти Мобуту Сесе Секо ўз мамлакати ҳудудидан чиқиб қочгач, доимий яшаш учун ўзига маъқул келадиган жой тополмаяпти. У ҳозирча Мароккода яшамоқда. Собиқ Президентнинг яқин кишилари хабарига кўра, унга Франция, Португалия, Миср, Жанубий Африка Республикаси сиёсий бошпана беришдан бош тортган.

* * *

440 тоннадан ортиқ эски ва титилиб кетган пул қоғозлари бўш ракета шахталарига кўмиб ташланади. Бу ҳақдаги ҳужжат Россия Марказий Банки, Калуга вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Казель ракета дивизияси раҳбарлари томонидан имзоланди.

ЛАВЛАГИДАН ОЛИНГАН ОЛИЙ НАВ

ШАКАР



Шартнома асосида Тошкентдаги омбордан етказилади

Манзилгоҳ: Тошкент, Лоҳутий кўчаси,1
Тел. 56-84-47. 56-32-49.
56-37-23. 56-55-80.

Ўзбекистон—Россия
Тошкент «КамАЗ» автомаркази қўшма корхонаси
таклиф этади:

- «КамАЗ» автомобилларининг тақчил эҳтиёт қисмлари
- «Бриджестоун» автошиналари (Япония),ўлчамлари: 260х508, 320х508.
- «КамАЗ» туркумидаги автомобилларнинг двигателлари, қисмлари, агрегатлари ва тормоз тизимларига техникавий хизмат кўрсатиш ҳамда уларни кафолатли таъмирлаш ишларини бажаради.

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 6-даҳа.
Қорақамиш кўчаси, 6-уй.
Телефон: (3712) 24-98-22, Факс: (3712) 24-59-25.

Хабарингиз борми?

БОШ СОВҒА — «НЕКСИЯ»

Турли-туман чанқоқбосди ичимликлар яна биттага кўпайди. Эндиликда улар сафига тез тайёрланадиган «Инвайт плюс» ва «Элис» салқин ичимликлари ҳам қўшилди. Чинакам Америкага хос сифатга эга, фойдаланишда истеъмолчилар учун қулай. Бунинг учун «Инвайт плюс» ва «Элис» пакетчаларини очиб, уларга сув қўшсангиз бўлгани. Бир зумда дармондори ва маъданларга бой хуштаъм ичимлик ҳосил бўлади.

— Чикаго шаҳрида жойлашган «Си Про» транснационал компанияси мамлакатимиз аҳолисига бир зумда тайёрланадиган маҳсулотларнинг барча турларини таклиф этишни режалаштирмоқда—дейди компаниянинг МДҲда жамоатчилик билан алоқалар бўйича директори Роберт Меркун. — Булар турли хил шўрвалар, иссиқ нонушталар, кофе, «Инвайт» ва «Элис» каби яхна ичимликлардир. Ҳозир Ўзбекистонда айни чилла эканлигини эътиборга олиб даставвал хуштаъм ичимликларни таклиф этмоқдамиз. Истеъмолчиларнинг тасаввур ҳосил қилишлари ва мазасини татиб кўришлари учун «Инвайт-совга» ўйинини ўтказаяпмиз.

Ўйинда иштирок этиш жуда осон. Бунинг учун «Элис» ёки «Инвайт»нинг бўш пакетчаларидан ўнтасини йиғиб Тошкент бош почтамтига жўнатиш ёки Олой бозорининг марказий павильонига олиб бориш даркор. Шу тариқа сиз 17 август ва 28 сентябрь кунлари ўтказиладиган «Инвайт-совга» ўйинида иштирок этасиз. Мингта совғадан бирига — машҳур фирмаларнинг телевизорига, мусиқали марказига, музлатгичига, микротўлқинли печ, ошхона комбайни, велосипед, компьютер ўйини, фирмали майка ва қалпоққа эга бўласиз. Агар омадингиз келса, бош совға — «Нексия» автомобилини ютиб олишингиз мумкин.

«Инвайт—совга»га қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўйинда иштирок этиш учун келаётган конвертлар компания кузатувчилари назорати остида қайд этилиб, компьютерга туширилмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз рақамига эга бўлади. Бу эса ўйиннинг ҳалол бўлишини таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, бундай тадбир МДҲда оммалашиб кетган. Яқинда ўтказилган «Инвайт—саёҳат» ўйини ғолиблари Францияга йўл олдилар. «Элис»нинг «Ўз ярмингни топ» ўйинида қатнашиб омади чопганлар беш миллион рубл пул мукофотларини қўлга киритдилар. Қизиқарли ўйинда иштирок этиб, ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлган юртдошларимизга омад тилаймиз.

Алишер РЎЗИЕВ.

48-ҳунар-техника билим юрти томонидан 1991 йил 29 июнда Майнур Тохтиевна Таяхунова номига берилган 040094 рақамли, 2075 сон билан рўйхатдан ўтган диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Вниманию руководителей автопредприятий! Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает к реализации запчасти на автомобили

ГАЗ-24
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Втулки резьбовые
Втулки рессорные
Диск сцепления Г-24
Выжимной подшипник
ГПГ (4 гильз.+ 4поршн.)
Главн. тормоз. цилиндр Г-24
Диск сцепления ведомый
Карбюратор К-126Г
Катушка зажиг. Б-117
Кольца поршневые
Накладки тормозные
Отбойники зад. рес.
Панель задняя
Подушка перед. двиг.
Подшипник 203; 7607; 180306
Прокладки гол. блока
Свечи А-11; А-17
Трос спидом. L-1,5—1,6; 2,5
Фильтр маслянный
Шаровые пальцы Г-24.
Шкворня Г-24 с подшип.
ГАЗ-53
Амортизатор Г-53
Бензонасос Г-53
Блок шестерен КПП
Вкладыши Г-53
Втулка распредвала
Вал первичный
ГПГ Г-53 (Самарканд)
ГПГ Г-53 (Завольже)
Капот
Клапан впускной
Клапан выпускной
Коленвал Г-53 с вклад.
Корзина Г-53
Накладки сцепления
Накладки торм. задн.
Накладки торм. перед.
Подшипник выжимной
Проклад. гол. блока
Рем. комплект вакуума
Рычаг сцепл. с подшип
Свечи А-11
Стартер Г-53
ЗИЛ-130
Амортизатор
Балка перед. моста
Вкладыши компрессора
Втулки шкворней
Вкладыши коренные
Генератор Г-287
Сальник ступицы
Сухарь-пальцы р.т.
Тормозная камера
ГПГ 3-130
Кольца порш. Р-100,5, 101
Накладки торм. прицеп.
Накладки торм. перед.
Пальцы рул. тяги
Подшипник выж. 688811
Поршень палец. Урал
Прок. пауки пер. и зад.
Прокл. всас. колл. бок.
Прокл всас колл. пер.
Прокладка гол. блока
Прокладка клап. крыш.
Ремень клиновый 1103
Рессоры пер., задн.
Синхронизатор 2-3 пер.
Уплотн. трубы глушит.
Шестерни КПП втор. вала
КАМАЗ
Блок двигателя
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Генератор Г-273
Клапан двойной.
Кольца порш. Ц. Челны
Крестовина в сборе
Лоб. стекло триплекс
Манжета 5160
Манжета 76/80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки сцепления
Накладки торм. КАМАЗ
Плунжерные пары Барнаул
Подшипник опор. 108810
Подшипник выж. 996714
Прокладка ГБК в к-т
Прокладка клап. крыш.
Рем.комплект ПГУ
Рем. комплект ТМВД

«ВАТАН, ДОИМ КУЛСИН БОШИНГДА ОМАД!»

Шеър ва шуур

МЕН БИРГИНА СЎЗ ЎСТИРДИМ...

Билмам, қачон, қандай чуқур кўлларда
чўкдим,
Қандай узун, қандай ҳазин дардларни чекдим.
Билганим шу, умрим бўйи мен экдим, экдим
Туркистоннинг даштларини ёриб чиқар сўз!

Балки у сўз унаётир ернинг қаърида,
Балки қасамдай тик терак қуртакларида,
Улуғ Темур болаларин кўкракларида
Туркистоннинг юкини кўтариб чиқар сўз!

Ёв келмасин, келса агар жуфт-у тоқ бўлиб,
Сўзлар ердан чиқиб келгай тўсин тоғ бўлиб,
Элимнинг жон-жигарига кўзмунчоқ бўлиб,
Дигарига чалғи бўлиб, ўриб чиқар сўз!

Эрк йўли кураш йўлидир, эрк роҳларига,
Чиқар экан, гард тегмасин элнинг барига,
Кураш куйин қуйиб элнинг қулоқларига
Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар сўз!

Оққан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай,
Элга нафим кам менинг, — деб нечун ўксинмай,
Мен биргина Сўз ўстирдим,
Мангу кўз юммай
Туркий элни балолардан қўриб чиқар СЎЗ!

1

ҲАЁТ ЭКАНИНИ БИЛМАБМАН...

Саратоним суриб ёвуқ келди куз,
Жазирамада ҳам титраган қалбман.
Сизсиз саратон ҳам ичираркан муз
Мен буни билмабман.

Сизсиз шамол бузар қўрғон, қалъамни,
Ҳуркак гўдагимни ўксиб суяман.
Қулоғимда титраб турган ҳалқамни
Кўздан панароққа олиб қўяман.

Ишқни мен ишқ дебман, дебман
висол, кўрк,
Дод, ёд эканини билмабман.

Ишқ озодлик экан, экан қўрғон, эрк
— ҳаёт эканини билмабман.

ТИЛАК

Осмонда офтоб бўлсин,
Қўлда майи ноб ўлсин,
Қабоҳатнинг китоби
Йиртилсин, боб-боб ўлсин.
Пирнинг чин пирлигини
Кўрмаса, айб йўқ, кўриб
Тан олмай турса мурид,
Хор ўлсин, хароб ўлсин!

ҲАҚҚИМ ЙЎҚ...

Биламан, на сийму, на зар кетса ҳам,
Ёнимдан дўстиму, дигар кетса ҳам,
Ғамлардан қон бўлиб жигар
кетса ҳам,
Кўзга ёш олмоққа менинг
ҳаққим йўқ!

Тунги даштлари-ю, дарасидан-да,
Қор-у, бўронларин орасидан-да,
Мен овоз бераман кутилмаган дам,
Кўздан йўқолмоққа менинг ҳаққим йўқ!

Ватан, доим кулсин бошингда омад,
Хуш кунинг бўлсам ҳам унутилган хат,
Қўпмасин, бошинда қўпса қиёмат,
Чеккада қолмоққа менинг ҳаққим йўқ!

Босмасин, ёв босса эркнинг роҳини,
Қон билан ёзгайман элнинг оҳини,
Бошим кетганда ҳам, жанг қулоҳини
Бошимдан олмоққа
менинг ҳаққим йўқ!

ТЎРТЛИКЛАР

Қидир, дунёйи-дунда муродинг
берар йўл бор,
Қайдадир қилни қирққа синчиклаб
ёрар йўл бор.

2

Ҳар қалбга ҳам йўл бордир ахир
йўллар ичинда
Қодир Оллоҳ уйига, Каъбага
борар йўл бор.

* * *

Ризқ тўлуғ косага етказсин Худо,
Бир ақли расога етказсин Худо,
Гуркираб турганда қовжирама, дўст,
Қўлингни асога етказсин, Худо!

* * *

Бу дунёга келган борки, шошгай, энтиккай,
Не тоғларда қарқарали чодирлар тиккай,
Келган борки юриб, учиб, бир кун охири —
Пушаймонлиг дарасининг устидан чиққай.

* * *

Худо ҳаққи, сўз очмагил ичимда
қор турганимда —
Мен — мен эмас, эгилган шаън, эгилган
ор турганимда
Дунё бевафолиғидин шикоятлар айтма,
эй дўст,
Айтиб-айтиб йиғламоққа ўзим тайёр
турганимда.

* * *

На хижолат тортдинг, на-да уёлдинг,
Берар қўл йўқ сенда тунадинг олдинг.
Жой қуриганмиди, йўлингни, дунё,
Менинг юрагимнинг устидан солдинг.

* * *

Қийналиб еб-ичаётган дўстдан хабар ол,
Қайтмас бўлиб учаётган дўстдан хабар ол.
Сен-у, биздан сал олдинроқ йўлга отланган
Чин дунёга кўчаётган дўстдан хабар ол.

* * *

Қайга кетди бизни суйган қуёшлар, ойлар,
Қуриб қолмадими бизни оқизган сойлар.
Худовандим, дўстларимнинг бошин омон қил,
Қуламасин улар қўнган карвонсаройлар.

МОҲЛАРОЙИМ ТУҒИЛАЖАК

Нодира шеър айтди, эриб
Ўликка ҳам ўт, куч берди.
Лекин биров фатво бериб,
Насруллога қилич берди...

Халқим, гарчанд ўткир тиғсан,
Ёлғизланма, қўш-қўш ўтгин.
Насруллодай ўғил туғсанг
Жоним онам, бепушт ўтгин.

Айттин, халқим, орим, шаъним,
Биз у йўлдан бормаймиз де,
Қайта топсак.. Нодирани
Насруллога бермаймиз, де.

Уйғондик де, тиклан, қалққин,
Кўзларингда кун кулажак.
Сен иконтир, шу кун, халқим,
Моҳларойим туғилажак.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

3

«ЁҒОЧ ПОЛВОН»НИ ЭСЛАБ

Спорт

Юртимизда миллий курашга катта эътибор қилинаётгани ҳам истиқлол саодатидан. Ҳозир курашнинг бухороча тури бўйича халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтқазилмоқдаки, унинг аҳамияти ёшларни тарбиялашда, спортга жалб этишда беқиёсдир. Зотан, менинг назаримда курашни ривожлантиришда бироз бирёқламалик борга ўхшайди. Тўғри, бухороча баҳс кўп жиҳатдан дзюдо, эркин кураш, ҳатто каратэга ҳам ўхшаб кетади.

Аммо курашнинг фарғонача турини унутиб бўладими? Ахир елкаси ер искамаган полвонларимизнинг белдан маҳкам тутиб, ерга уришлари минглаб мухлисларни лол қолдирмаганми? Умуман, фарғонача курашнинг фазилату хосияти ўзгача. Курашнинг бу турига ҳам қизиқувчилар бисёр. Шунинг учун мутахассислар кексалар билан бамаслаҳат иш тутиб, фарғонача курашни ҳам ёшларни тарбиялаш, соғлом авлодни шакллантиришдек хайрли ишларда муҳим омил эканини жойларда тушунтириб борсалар айни муддао бўларди. Мен эса тўю сайллар, улоғу маросимларда «Ёғоч полвон» номи билан довруқ таратган Султон полвон Сатторовнинг саргузаштларига оид бир неча ҳикояларни эътиборларингизга ҳавола этяпман. Ўйлайманки, полвоннинг ўзига хос ибрати кураш ишқибозларию мухлисларда ажиб таассурот қолдиради.

ОЛТИАРИҚ САЙЛИДА

— Найман-Бўстонда Султон полвон билан Олтиариқнинг «Сертут» маҳалласидаги сайлга етиб бордик. Атрофимизни тумонат одамлар ўраб олган. Олтиариқлик устоз полвонлардан Имямин, Холбой оталар ҳакамлик қилишяпти. Кураш узоқ давом этди. Султон полвонимизни ҳеч ким курашиб курагини ерга текциза олмади. Сайл охирида Имямин полвон ўртага тушиб, шундай деди:

— Халойиқ ўзларинг кўрдиларинг, Султон полвонни мана-ман деганлар йиқита олмади. Султон полвонга қўлларингни баланд кўтариб туриб омин, денглар! — Султоннинг бўйи салкам уч газ келади. Бели ёғочдек бикр, мустаҳкам, бу полвоннинг номи бугундан бошлаб «Ёғоч полвон» бўлсин! Омин оллоҳу акбар!

Минг-минг халойиқ юзига фотиҳа тортди. Шу-шу водийимизнинг қайси шаҳарида, туманида кураш, улоқ сайли бўлса, «Ёғоч полвон»сиз ўтмайдиган бўлди.

ҲАМ СОВРИН, ҲАМ ҚАЛЛИҚ

Бизни Жалолободдаги сайлга айтиб кетишди. Найман-Бўстондан 20 чоғли йигит тўпланиб, Жалолободга жўнадик. Курашни кўргани келган оломоннинг ҳад-ҳисоби йўқ. Бир томонда карнай-сурнайлар бўлса, бир томонда, дошқозонлар осилган. Даврани «Бой ота»нинг ўзи олиб боряпти. «Ёғоч полвони»мизни уч кунлик курашда ҳеч ким йиқита олмади.

«Бой ота» тўртинчи куни ҳалойиққа қараб шундай деди: «Шу бугун фарғоналик «Ёғоч полвон» билан қиргизистонлик «Турк полвон»имиз беллашадилар.

Оломон чапак чалишиб, қийқириб юборди. «Бой ота»:

— «Турк полвон»нинг оғирлиги 212 кг, «Ёғоч полвон»ники 115 кг келади. 97 кг. «Турк полвон»нинг вазни оғир.

Одамлар ҳай-ҳайлаб, бир-бирларига қараб қолишди. Бизни қўрқув босди.

— Султон курашиб бўлмайди, юр кетамиз... — дедим.

— Ҳеч қаерга кетмаймиз, ғам еманглар. Курашдан қочиб кетишди, деб ном олгандан кўра майдонда йиқилганим яхшироқ — деди Султон полвон. «Турк полвон» билан «Ёғоч полвон» 3 кунгача бел олишиб, курашди. Ҳеч натижа чиқмади. 3-кун пешиндан сўнг «Ёғоч полвон»га куч-қувват қаёқдан келди, овозини борича, қийқириб туриб, бошидан ошириб, ерга урди...

Ғолиб чиққан полвонга 1000 сўм соврин қўйилган эди. 10 минг сўм пул йиғилди. Минг-минглаб оломон ўрнидан туриб олқишлар, одамлар устидаги чопони-чакмонини ечиб, «Ёғоч полвон»устига ташларди. «Бой ота» ўртага чиқиб:

— «Шартга кўра ўзимнинг тул қизимни «Ёғоч полвон»га никоҳлаб бераман, — деди. Яна уч кун қолиб, тўй қилдик.

Султон полвон «Бой ота»нинг қизини хотинликка олиб, Найман-Бўстонга қайтганди.

Ҳамид УСМОНОВ,
Марғилон.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 2 avgust, shanba № 90 (22.174).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзодлар

МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИДА

Дам олиш куни бир гуруҳ талабалар «Темурийлар тарихи давлат музейи»га бордик. Ҳамиша хушчақчақ, гапдон қизлар музейга киришлари билан жимиб қолдилар. Хаёлимизни музейга киришдаги маҳобатли сурат «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган асар ўзига тортганди.

Оддий буёқ, оддий ранг шунчалик илоҳий намоён бўлади. Келинг, «Санойи нафиса» гуруҳининг ижоди билан сўзлашамиз.

ТУҒИЛИШ

Туғилиш — ҳаёт қўшиғининг бошланиши демак. Инсон дунёга келмоқда. У оддий инсон эмас, балки Оллоҳнинг назари тушган — буюк Соҳибқирондир. Асардаги уч аёл туғилиш тасвирни дунёга келтира олса? Ишонгинг келмайди, лекин бу ҳақ. Шарқ мўъжизаларга бой мамлакат, англадимки, яна бир мўъжиза яратилибди. Деворга ишланган уч фасл «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш» деб номланган. Кўнглимда асар ижодкорлари билан учрашиб суҳбатлашиш фикри туғилди.

Асар ижодкорлари «Санойи нафиса» ижодий гуруҳининг иқтидорли мусаввирлари Хуршид Назиров, Тойир Болтабоев, Содиқ Қорабоев ва Ғайрат Камоловларни Ўзбекистон Бадиий академияси орқали топдим. Гуруҳ ҳақидаги мухтасар маълумотни ҳам олдим.

1986 йилда, «Усто» халқ санъати бирлашмаси қошида ташкил этилган ушбу гуруҳ асосан маҳобатли рассомчилик миниатюра ва лак миниатюраси бўйича самарали ижод қилиб келмоқда. «Санойи нафиса» ижодий гуруҳи жаҳоннинг йигирмадан зиёд халқаро кўргазмаларида муваффақиятли қатнашган. Яқинда Покистонда ўтказилган халқаро фестивалда ҳам ғолиблик унвонини олдилар.

Ниҳоят гуруҳ аъзоси, таниқли рассом Хуршид Назиров билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Хуршид ака, ижодий гуруҳингизни ўзига хослиги нимада?

— Биласизми, бизнинг аҳиллигимиз, ижодимизнинг уйғунлиги баъзан кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Куч — бирликда шиорига амал қиламиз.

Хуршид ака жуда ҳам гапираркан. Бу рассомлар учун табиий ҳол, чиройли гапиролмаслиги мумкин, лекин унинг ҳамма гапи ижодида санасини шодлик билан ҳаёт қўшиғини куйлаб кутишмоқда. Рамзий ифодаларга эътибор беринг-а!

Чашмадан ер юзига отилиб чиқаётган сув, сарв дарахти, кўзлари ўткир бургут, ҳумо қуши, қўй буржи ҳамда сайёраларнинг тўқнаш келиши буларнинг барчаси дунёга келаётган чақалоққа рамзий ифодалардир.

ЮКСАЛИШ

Буюк бобомизнинг Қуръони Карим оятларига, ундаги қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда, адолат шамшири билан яратган қудратли салтанат манзаралари тасвирланган. Тепа қисмида қўёш, ой, Амир Темурнинг шиори ёзилган.

Ўртада Соҳибқирон бобомиз, ўнг томонларида олиму фузалолар, чап томонларида ҳарбий саркардалар, баҳодирлар тасвирланган. Чашмадан келаётган сув энди катта ҳаёт юзини кўриб, четлари мармар тош билан безатилган ҳовуз шаклига келган, бу қудратли салтанатга ишора. Тахт ортидаги тасвирларда бобомиз бунёд этган ўлмас меъморий обидалар кўриниши ўз аксини топган. Асарнинг қуйи қисмида Темурийлар сулоласининг кейинги давр намояндалари — Султон Муҳаммад, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар суратлари.

ФАХРЛАНИШ

Умр — оқар дарё дейдилар. Нуроний чеҳрали оқсоқол ўзидан қолаётган илм-фан, маърифатни ёш авлодга топширмоқда. Чинор дарахти, чархпалак — булар ҳаётнинг давомийлигини акс эттиради. Ана, кўкда бир юлдуз сўнди. У шунчаки юлдуз эмас, у самодаги энг ёрқин юлдуз — Соҳибқирон юлдузи эди.

Диққат билан боқсангиз, бу учала фаслда ҳам илоҳийликни кўрасиз. Асарда бир неча янгиликларнинг гувоҳи бўлиб қолмасдан, унинг ютуқлари билан ҳам танишасиз. Замонавий маҳобатли тасвирий санъатда биринчи марта асарнинг марказий қисмининг четида куфий араб ёзуви киритилди, «Юксалиш» фасли бир неча даврни ўз ичига олган, яна деворий шоҳ асар билан экспонатлар қаторидан жой олган ўнта миниатюранинг уйғунлигида ҳам катта маъно бор.

Асар қисқа вақт ичида юзага келди. Шундай бўлсада, халқимизнинг дилидан тезда жой олди. Бу эса халқимизнинг миллий санъатга ташна эканлигини кўрсатади. Бундай асар, шубҳасиз келажак авлодлар учун ҳам умрбоқийдир. Асар ижодкорларининг Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзод этиб кўрсатилиши айни муддао. Улар яратган санъат дурдоноси халқимизнинг ноёб маънавий мулки бўлиб қолажак.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА.

СУРАТДА: «Санойи нафиса» гуруҳи ижодкорлари.

МУҲТАРАМ ЖАНОБЛАР!

«Тижорат маркази» МЧЖнинг (Иркутск вилоятининг Шелехов шаҳри) расмий дилери бўлган *«Сиб-Акбар» МЧЖ* Иркутск вилояти ва Красноярск ўлкасидан турли *ЁҒОЧ-ТАХТАЛАРНИ* етказиб беришни таъминлайди.

* *тўсинлар*
* *игна барги дарахт тахталари*
* *кон уступлар*
* *шпал ва шпал парчалари*
* *дсп, двп, фанер ва тара тахталари*

Республика товар-хом ашё биржаси орқали Россияга барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, улардан қилинган консерваларни, шунингдек Ўзбекистон корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган исталган маҳсулотларни етказиш ҳисобига юқоридаги турли ёғоч тахталарни етказиб беришга айрибошлаш юзасидан шартномалар тузиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Россияда ҳақ тўланиши ҳам мумкин.

Манзилгоҳ: Тошкент, Юнусобод тумани, Мавлонов кўчаси, 48-уй. Мўлжал: 5-стоматология поликлиникаси.
Алоқа телефони: (3712) 35-71-65. Факс: (3712) 35-72-10.
Россияда: (395-2) 43-37-36, (395-10) 2-27-55.

«ЎЗЭЛЕКТР КАБЕЛСАВДО» акционерлик жамияти шуни маълум қиладики, 1997 йил II чораги учун дивидендлар миқдори 73,04 СЎМ қилиб белгиланди.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА